O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**БУГУНГИ СОНДА:**

**ХАЙРИХОҲЛАР КЎПАЙМОҚДА**

– Партия дастурида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаши аниқ ифодаланган, – дейди партия фаоли Бахтиёр Ҳайдаров. – Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам бу ишга астойдил бош қўшаяпмиз.



2

**МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ**

*Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. АҚШда юзага келган молиявий инқироз негизида ушбу мамлакатнинг молиявий тизимида анчадан бери яширинча амалга ошириб келинган "ўйин"лар сабаб бўлгани шубҳасиз.*



3

**ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ**

*Тиниб-тинчимас тадбиркор сафдошимиз яқинда Германиядан янги технология олиб келиб ўрнатди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширибгина қолмай, таннархнинг пасайишига ҳам олиб келди.*



4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

№ 1 (705)
2009 йил, 9 январь, жума

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета
adolat_gazeta@mail.ru
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

## 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни



# АСКАРЛАРИ БАҚУВВАТ ЭЛ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Янги йилнинг дилларни чулғаган шукуҳи тарқамасдан яна бир қадрли сана – Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу байрамлар тинч-осойишта, бунёдкор эл-юртга ярашади, деган ҳикматнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Бу она-Ватанимизнинг хавфсизлиги, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигининг мустаҳкам кафолати – Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланаётгани, миллий армиямизда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айлангани туфайлидир.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик нафақат эл-юртимиз равнақи йўлида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, балки байрамларни катта шодёналар билан нишонлаш учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида узоқни кўзлаб ўтказилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Юрт посбонлари ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилган тарихий воқеа хотирада қайта гавдаланади. 1992 йилнинг 14 январида мустақил Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг мамлакатимиз тасарруфига ўтказилиши юртимиз аҳолиси тинчлиги ҳамда истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги мисли кўрилмаган воқеа бўлган эди. Шу боис 1993 йилдан ушбу сана мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланади.



Энг муҳими, ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш – умумхалқ иши, шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини тобора теранроқ, янада чуқурроқ англаб етмоқдамиз. Бу юксак туйғу фарзандларимиз қалбига сингиб бормоқда.

Тўрт-беш ёшли болакайнинг ҳарбий либос кийган йигитларга завқ-шавқ ва ҳавас билан қараб турганини кузатганмисиз. Ҳарбий кишининг ҳайбати ва ҳаракатларидан "сеҳрланиб қолган" болакай ўнг қўлини беихтиёр чаккасига қадаб, ўзича "салом" берганида, қувониб кетасиз!

Бу халқимизнинг матонатли ўғлонлари Ватанни ҳимоя қилар экан, биринчи навбатда ўз ота-онаси, киндик қони тўкилган тупроғи, меҳрибон опа-синглиси, ёру биродарларини кўз олдига келтиришининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган амалий кўриниши, ҳарбий хизмат нуфузининг нақадар ошганининг яна бир далолатидир.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқёси, сифати ва самарадорлиги жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган улкан ишлар амалга оширилди. Фуқароларни танлов асосида муддатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилди, чақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бирга жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди.

(Давоми 2-бетда).

## Сиёсий партия ва фуқаролар йиғини:

# ҲАМКОРЛИК ШАРТИ — МАНФААТЛАР ТЕНГЛИГИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилгани барча юртдошларимиз қатори, пойтахт вилояти аҳолисини, хусусан, барча қишлоқ аҳлини беҳад тўлқинлантириб юборди. Чунки, улар қаерда яшашидан қатъи назар, ҳар бирининг, оилаларнинг ҳаёти қишлоқ муҳити билан боғланган. Зеро, инсон ризқи, насибаси қишлоқда яралади. Демакки, юрт ободлиги, халқ турмуши фаровонлиги қишлоқ тараққиётига боғлиқ.

Маълумки, аҳоли кўпгина ижтимоий, маданий ва маиший хизматларни ўз яшаш жойида олади. Дейлик қишлоқ аҳолиси, шаҳарга келиб, унинг йирик тиббиёт муассасалари, универсал ва фирма дўконлари хизматларидан фойдаланади, музей, театр, маданият ва истироҳат боғларида дам олади ва шунга ўхшаш бошқа имкониятлардан баҳраманд бўлишади. Ўз навбатида, шаҳар аҳолиси ҳам қишлоқ табиати бойликлари ва қишлоқ хизмат кўрсатиш тизимлари қулайликларидан фойдаланиб, ўз дала ҳовлиларининг қишлоқ бағрида бўлиш имкониятларидан баҳрамандлар. Буни биргина пойтахт Тошкент шаҳри атрофида жойлашган Зангиота, Қибрай, Тошкент, Ўртачирчиқ, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманларидаги сўлим табиат гўшалари, у ерлардаги дала ҳовлилар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёки вилоятнинг қишлоқ далаларида деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда мутахассис, фермер, ёхуд унинг аъзоси бўлиб ишлаётган шаҳарликлар меҳнат фаолиятини олинг.

Қишлоқлардаги муаммоларни ҳал этишга мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, аҳолига томорқалар ажратиб берилгани, чорвачиликнинг рағбатлантирилгани кейинги йилларда катта самара бермоқда. Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш борасидаги улкан ишларни тасаввур қилинг. Қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда улар кўламини тобора кенгайтиришга катта устуворлик берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «Адолат» СДП ҳаётидан

# РОМИТОНЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

2008 йил давомида Ўзбекистон «Адолат» СДП Ромитон тумани Кенгаши қошидаги Жамоатчилик назорати гуруҳи томонидан юздан ортиқ мурожаатлар қабул қилинди. Бунда асосан коммунал хизмат, уй-жой муаммолари, иш билан бандлик, нафақалар тайинлаш ва бошқа кўпгина долзарб масалалар ўрин олган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, фуқароларнинг барча мурожаатлари эътибордан четда қолмаган.

— Фаолиятимиздан фуқаролар мамнун, — дейди туман Кенгаши раиси Раҳмат Тўлаев. — Уларнинг сиёсий партияларга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Бунда, айниқса, бошланғич ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда туманда йигирмадан ортиқ БПТ иш олиб бораяпти. Уларда 600 нафардан зиёд аъзолар бирлашган.

Партия Кенгашининг мавқеини кўтаришда туман маданият бўлими ходими Раъно Очилова, «Агробизнес» касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Юсуф Солиев, солиқ инспекцияси ходими Муроджон Сафоев, ўқитувчи Навбаҳор Адизованинг саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Улар турли соҳа вакиллари бўлишларига қарамай, жамоатчилик, ташкилотчилик, тарғибот ишларида бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Энг муҳими, «Адолат» СДП туманимизнинг олис қишлоқларига ҳам кириб бормоқда.

Хусусан, туман марказидан 150 километр узоқликда жойлашган "Қизилравот" қишлоғидаги бошланғич ташкилоти 2008 йил мобайнида ўқувчи ёшлар билан фаолият олиб боришда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Ташкилот томонидан мунтазам семинар-тренинглар, учрашувлар ташкил этилди. Натижада партиямиз аъзолари орасида ёшлар сони сезиларли тарзда ошди.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**«Adolat» мухбири.**

## 7 кун нафаси

### ЗАМОНАВИЙ КЛИНИКА

**П**ойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани маркази – Янгибозорда даволаш-диагностика клиникаси фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу шифо масканида малакали мутахассислар хизмат кўрсатмоқда. Маҳаллий аҳоли энди барча муолажаларни шу ернинг ўзида олиш имкониятига эга бўлди.

### ЎЗ ЭҲТИЁЖИГА

"**Б**ухородон" масъулияти чекланган жамиятида ун қадоқлайдиган қопларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янгилик корхонага анчагина маблағни тежаб қолиш имконини берди. Йилига беш миллион дона полипропилен қоп ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 40 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди.

### ЁШ МУСИҚАЧИЛАР КОНЦЕРТИ

**Я**нги йил танатаналари давом этаётган шу кунларда Лондон шаҳри марказидаги Қироллик мусиқа академиясида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ёш мусиқачиларининг "Сўғдиёна гуруҳлари–2" концерт дастури бўлиб ўтди.

### ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

**Н**аманганда «Бунёд текстил" масъулияти чекланган жамияти ўзининг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

Тадбиркорлар ташаббуси ҳамда уларнинг 350 минг долларлик инвестициялари орқали бу ерда тўқимачилик буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Истеъмол бозорида корхонанинг замонавий дизайн ва юқори сифатли маҳсулотларига ҳозирданоқ қизиқиш ортмоқда.

### ЯНГИ МАЖМУА ҚУРИЛАДИ

**У**стюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиши 2010 йилда бошланиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа қиймати 1,85 миллиард долларлик ушбу иншоотда қурилиш ишларини тендерда ғолиб чиққан "Сингапур СМАІ" компанияси олиб боради. Келгусида мазкур мажмуа ишга тушгач, бу ерда йилига 4 миллиард куб метр табиий газ қайта ишланади.

### ШОИРГА ЭҲТИРОМ

**Т**ермиз шаҳрида улуғ шоир Рудакийнинг 1150 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Термиз Давлат университети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, шунингдек, вилоятдаги миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди. Тадбирда шоирнинг ижоди, унинг адабиётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз борди.

### "ОЛТИН ҚОПЛОН" СОҲИБИ

**Қ**ўнғирот сода заводи маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Шу боис, ушбу корхонага "Европа бизнес ассамблеяси" (Буюк Британия), Халқаро саноатчилар ва тадбиркорлар конгресси (Россия) ва Ишбилармон доиралар ассамблеяси томонидан таъсис этилган "Олтин қоплон" ҳайкалчаси топширилди.

### *РАҚИБЛАР АНИҚ*

**О**сиё Футбол Федерациясининг Дубайдаги штаб-квартираси — "Emirates Cup"да "Осиё чемпионлар лигаси-2009"га қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра, мамлакатимиз вице-чемпиони "Пахтакор" Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол", БААнинг "Ал-Аҳли" ва Эроннинг "Саба Баттери" жамоалари билан биргаликда "А" гуруҳидан жой олди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёдкор" эса "D" гуруҳида ғолиблик учун кураш олиб боради.

## Диққат, янги рукн!

# «АДОЛАТ» ЛОЙИҲАСИ

**Азиз муштарийлар!** Мана Янги йил ҳам ўз таровати билан файзли юртимизга ташриф буюрди. Ўтган барокатли йилларни сарҳисоб қилсак, истиқлол берган имкониятларнинг кўлами беадад эканлигини ҳис қиламиз. Ҳар бир фуқаро мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, миллий қадриятларни ривожлантириш ҳамда инсон шаънининг улуғланиб, эъзозланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди ва қўшаётир.

Таҳририят жорий йилда ҳам муштарийлар талаб-истагини инобатга олиб, газетамизда янги рукнлар остида турли мавзуларда қизиқарли мақолалар бериб боришни мақсад қилиб қўйди. Уларда бунёдкорлик ишларида фаол қатнашаётган, ватанпарвар юртдошларимиз ҳаёти, кундалик ташвишлари ва орзу-умидлари ҳақидаги туркум материаллар эълон қилинади. Бу борада Сизнинг иштирокингиз, айниқса, ўта муҳим ва айни муддао. Шуни ҳисобга олиб, **"Адолат" тадбиркори", "Адолат" шифокори", "Адолат" фермери", "Адолат"чи ижодкор", "Адолат"чи мураббий", "Адолат"чи спортчи", "Адолат"чи талаба", "Адолат"чи ҳунарманд"** каби янги рукнларни эътиборингизга ҳавола этишни режалаштирдик. Бугунги сонда **"Адолат" тадбиркори"** билан танишасиз.

**ТАҲРИРИЯТ.**

4-бет

*Ўзбекистон "Адолат" СДП Китоб тумани Кенгаши ташаббуси билан тумандаги Хиромий маҳалласида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан давра суҳбати ташкил қилинди.*

# САМАРАЛИ УЧРАШУВ

Таъкидланганидек, қишлоқларга бўлган бундай эътибордан бутун халқимиз мамнун. Дарҳақиқат, юртимиз обод ва фаровонлиги қишлоқларимиз тақдири ва келажагига боғлиқ. Юртбошимиз айтганидек, барчамизнинг илдизимиз, қон томиримиз аввал амбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Эндиги муҳим вазифалардан бири бу – узоқ-узоқ ҳудудларда аҳолининг турмуш тарзини янада юксалтириш, уларга етарлича шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Иштирокчиларнинг фикрича, бу борада жойларда иш олиб бораётган жамоат ташкилотлари, хусусан сиёсий партияларнинг фаоллиги талаб этилади. Тадбирда «Адолат» СДП Китоб тумани Кенгаши олдида турган муҳим вазифалар, ёшларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ хотин-қизларини касаначиликка жалб этиш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

**Комил САХАТОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

✔ Янги рукн: "Адолат" тадбиркори



# ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

*фаолларимизни эзгу ишларга етаклаяпти*

Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси ўз сафларига аҳолининг турли қатламларини бирлаштирган. Хусусан, партия фаолларининг асосий қисмини тадбиркорлар, шифокорлар, зиёлилар ва бошқа соҳа ходимлари ташкил этади. Шуниси эътиборга моликки, партия фаоллари партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг халқ оммасига тарғиб қилиш билан бирга ўзлари тадбиркорлик билан шуғулланиб, аҳолини иш билан таъминлашга, мамлакатимиз иқтисодиётининг равнақ топишига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.



Дарвоқе, партиямиз Сиёсий Кенгаши аъзоси, партия "Ёшлар қаноти" раиси ўринбосари Қобил Соатов ҳам ана шундай фидойиларимиздан. У 2005 йилдан бери пойтахт вилоятининг Олмалиқ шаҳрида қандолат ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда. 30 турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада айни пайтда 12 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Тиниб-тинчимас тадбиркор сафдошимиз яқинда Германиядан янги технология олиб келиб ўрнатди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширибгина қолмай, таннархнинг пасайишига ҳам олиб келди.

***Суратда:** тадбиркор Қобил Соатов оиласи даврасида.*

# «БУГУНГИ МУХЛИСЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ»

*— дейди "Металлург" (Бекобод) футбол клуби шифокори Мирзабурхон ДЎСТМУРОДОВ*

**Одатда, севимли жамоамиз ғалаба қозонгудек бўлса, футболчилар ва уларнинг мураббийларини олқишлашга ўрганганмиз. Шу лаҳзаларда уларнинг яна бир ҳаммаслак ва ҳамкорлари, дардларига малҳам бўладиган — шифокорларнинг хизматларини ҳадеганда эсламаймиз. Бугун футболи ривожланган мамлакатлар клублари фаолиятига назар солсангиз, малака, маҳорат ва тиббиёт қанчалик омухталашганлигини билиб олиш қийин эмас. Бунга Бекободнинг «Металлург» жамоаси шифокори Мирзабурхон ДЎСТМУРОДОВ билан қилган суҳбатимизда яна бир бор амин бўлдик.**



— Тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётганимга ўттиз йилдан ошди, — дейди Мирзабурхон ака. — Ўйлаб қарасам, ана шу даврнинг тенг ярми спортчиларнинг орасида ўтибди. 1993 йилда «Металлург» футбол клубида иш бошлагандим. Айни пайтда футбол жамоасидан ташқари, шаҳримиздаги А.Анохин номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуи ва теннис кортларида ҳам жамоатчилик асосида шифокор бўлиб ишлаб келаяпман.

***— Мирзабурхон ака, охирги йилларда мамлакатимизда футболни ривожлантириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Мутахассис сифатида футболчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган юмушлар хусусида нима дея оласиз?***

— Футболимиз пойдевори мустаҳкамланса, тараққиёт учун асос бўлади. Кейинги йилларда юртимизда болалар футболига эътибор кучайди. Яқинда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олганлиги ҳам шунинг самарасидир. Мамлакатимизда профессионал футбол лигасига асос солингани ҳам қувонарлидир. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, футболчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида айрим фикрларни айтишни истардим. Тан олиш лозим, юртимизнинг номдор футбол клубларида бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Лекин футболчиларимизнинг профессионал футбол клубидаги фаолиятига қадар бўлган болалик, ўсмирлик даврида уларнинг саломатлиги хусусида ким қайғуради? Албатта, ота-оналари, яқинлари, ўқув муассаса ходимлари... Спортчи саломатлиги ҳақидаги ташвишланарли муаммолар асосини, аслида ана шу даврдан қидириш керак. Негаки, бола саломатлигига ёшлигида жиддий эътибор қаратилмаса, бунинг асорати у улғайганда юзага чиқади. Жаҳон футболида тезкор ўйин намойиш этаётган футболчилар ютуғи ҳам фақат мураббий тактикаси, малакаси билан боғлиқ эмас. Уларнинг муваффақияти — жисмоний баркамоллигида, саломатлигида ҳамдир. Шу боис, мамлакатимизда футболни ривожлантириш имкониятларини излар эканмиз, ўз навбатида аввало, оилада тиббиёт маданиятини юксалтириш талаб этилади. Бу борадаги ишларни ўзибўларчилик қабилида эмас, балки пухта дастур ва режалар асосида йўлга қўйсак айни муддао бўларди.



***— Бугунги мухлисларимиз савияси, хатти-ҳаракатларидан кўнглингиз тўладими?***

— Тан олиш керак, охирги йилларда мамлакатимиз футболида чинакамислоҳотлар бошланди. Буни жамоалар ўртасида рақобат пайдо бўла бошлаганлиги, футбол клубларимизни профессионал даражага олиб чиқиш учун амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мухлислар ҳақида тўхталадиган бўлсам, менимча, бугунги ишқибоз билан бундан ўн беш йил бурунги ишқибозни тенглаштириб бўлмайди. Замона зайли билан бугунги мухлиснинг имкониятлари жуда кенг. Ёшлигимизда биз телевизор орқали фақат "Пахтакор" ва собиқ иттифоқнинг бир неча етакчи жамоалари ўйинларини томоша қилардик. Эндиликда ишқибозлар истаган мамлакатлари биринчиликлари, хоҳлаган қитъа ва жаҳон чемпионатларини кузатиш имкониятига эга. Демакки, айни чоғда ишқибозларда таққослаш, танлаш, баҳо бериш имконияти ошган. Аслида мухлислик шундай бир дардки, унга мубтало бўлган кишининг айрилгиси келмайди. Ёши олтмишни қоралаган бир инсон сифатида айтмоқчиманки, бугунги мухлисларга ҳавасим келади. Улар қайси жамоага ва қандай вақтда ишқибозлик қилишни жуда яхши билишади.

**Муҳаббат БОБОНАЗАРОВА**
**суҳбатлашди.**

✔ Диққат, танлов!

# «НАВРЎЗ – БОҚИЙ БАЙРАМ»



**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат каби фазилатларни, шунингдек, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларимизни фуқаролар, айниқса, ёшлар онгу шуурига чуқурроқ сингдиришда ОАВнинг ролини кучайтириш, журналистларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларда янги ижодий ёндашувларни шакллантиришни рағбатлантириш мақсадида «Наврўз — боқий байрам» танловини эълон қилади.**

Янгиланиш ва яшариш фасли, умумхалқ байрами — Наврўзга бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2008 йилнинг 20 февралидан 2009 йилнинг 20 февралигача — бир йил мобайнида телевидение орқали кўрсатилган, радиода эфирга узатилган, газета ва журналларда босилган ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2009 йилнинг 1 мартигача қабул қилинади.

**«Наврўз — боқий байрам»** танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- Интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун.

Ҳар бир номинация бўйича учта: 1-, 2-, 3-ўрин таъсис қилинади. Ғолиблар олган ўринларига қараб қиймати турлича бўлган ноутбуклар билан мукофотланадилар.

Булардан ташқари мавзуни энг яхши ёритган ОАВ таҳририятлари учун ҳам учта: 1-, 2-, 3-ўрин учун мукофотлар таъсис этилади. Ғолиб таҳририятлар олган ўринларига қараб, қиймати турлича бўлган компьютер тўпламлари билан мукофотланади.

Танловга камида 5 та ижодий иш тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга муаллиф ва унинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, иш ва яшаш манзили, телефонлари ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Танлов ғолиблари Наврўз байрами арафасида тақдирланадилар ва уларнинг номлари матбуотда эълон қилинади.



Материаллар **«Наврўз — боқий байрам»** деб кўрсатилган ҳолда 2009 йил 1 мартгача қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**3 қават 30 -, 35 - ва 37- хоналар.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**Тел.: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87**

# АРХИВ — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Архив бу шунчаки ўтмиш маълумотлари ёзиб қолдирилган қоғозлар тўплами эмас, балки мозийдан сўзловчи, аждодлар тарихини асрлар оша сақловчи, келажак авлодлар учун улкан маънавий мерос саналувчи бебаҳо хазинадир. Соҳибқирон Амир Темур ҳам шундай деганлар: "Ёзилган нарса авлодларга мерос сифатида қилинган ишдан кўра узоқроқ яшайди".

Ҳар қандай ташкилот, хоҳ у давлат корхонаси, хоҳ нодавлат ёки тижорат ташкилоти бўлсин, ҳар бирининг юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун хизмат қилувчи ўз фаолият тури мавжуд. Ана шундай ўзига хос йўналишга эга ташкилотлардан бири архивдир. Архив – халқнинг ҳужжатлар ҳайкали, деб бежиз айтилмаган.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан архив соҳаси фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 1999 йили "Архивлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан сўнг бу соҳага эътибор янада кучайди. Ушбу йил ўзининг муборак тўйини нишонлайдиган кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳри ҳам бой архивга эга. Пойтахт давлат архивида салкам бир асрга тенг бўлган 300 мингга яқин тарихий бошқарув, илмий-техникавий ҳамда шахсий таркиб ҳужжатлари сақланади. Архив фонди халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи ҳужжатлар асосида шаклланган бўлиб, доимий равишда бойитиб борилади.

"Архивлар тўғрисида"ги Қонунга асосан, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий сўровлар бўйича, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига бериладиган архив маълумотлари ва уларнинг нусхалари бепул тақдим этилади. Сўровлар кўлами катта бўлишига қарамасдан жавоб хатлари архив идорасига сўровнома келиб тушган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида ижро этилади.

> **Ҳар қандай ташкилот, хоҳ у давлат корхонаси, хоҳ нодавлат ёки тижорат ташкилоти бўлсин, ҳар бирининг юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун хизмат қилувчи ўз фаолият тури мавжуд. Ана шундай ўзига хос йўналишга эга ташкилотлардан бири архивдир. Архив – халқнинг ҳужжатлар ҳайкали, деб бежиз айтилмаган.**

Юз минглаб архив ҳужжатлари билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига таянмасдан илож йўқ, албатта. Бу борада олиб борилаётган ишларни икки йўналишда изоҳлаш мумкин: архив иши ва иш юритиш. Иш юритиш давомида муайян маълумот, яъни ахборотни ўзида жамлаган ҳужжат яратилади. Сўнг қоғоз асосида яратилган ҳужжатлар электрон шаклларга кўчирилади ва тегишли жойларга узатилади.

Тошкент шаҳар Архив иши бошқармасида ҳам архив муассасаларида фуқароларни қабул қилиш тартибини такомиллаштириш, ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар ижроси ва белгиланган вазифаларни бажариш, ушбу ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни нашр этиш борасида эътиборли ишлар қилинмоқда. Хусусан, шаҳар давлат архиви ҳужжатлари асосида Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган "Барҳаёт сиймо", Миллий университетнинг 90 йиллик санасига "Буюк илм даргоҳи", Тошкент шаҳар ҳокимиятига "Тошкент шаҳрига 2200 йил", Тошкент юридик институти қошидаги академик лицейга "Юнусобод туманининг ташкил топиши ва ундаги тарихий жойлар" каби мавзуларда ташаббусли ахборот тақдим этилди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бу ерда яратилаётган электрон базалар, энг аввало, фойдаланувчиларнинг манфаатини кўзлайди. Бу архив ходимларининг ишини енгиллаштиради, албатта. Одатда фойдаланувчи архивга бирор ҳужжат юзасидан ёки тадқиқот мавзуи бўйича мурожаат қилганда архив ходимлари унинг сўровини қайд этади. Сўнгра архив картотекаларидан қизиқтирган ҳужжатлар ўз таркибига олувчи фондларни излайди. Бу ишларнинг барчасига бир неча кун вақт кетади. Табиийки, қоғоз картотекаларида автоматлаштирилган қидирувни амалга ошириб бўлмайди. Агар картотека ва рўйхатларнинг электрон базаси яратилса, архив ходими унинг ўрнини бир неча дақиқада билиб олади.

Тошкент шаҳар Давлат архивига нафақат республикамиз аҳолисидан, балки МДҲ давлатларидан ҳам сўровномалар тўхтовсиз келиб турибди. Демак, архив нафақат бир мамлакат, шунингдек, бутун инсоният тарихига хизмат қилувчи бебаҳо маънавий мулкдир.

**Феруза ДАДАЕВА,**
**Тошкент шаҳар**
**Давлат архиви директори.**

✔ Маданият хабарлари

## "ЁШЛАР КИТОБИ" — ИСТЕЪДОДЛАР РЎЁБИ

Ёзувчилар уюшмасида "Шарқ" НМАК Бош таҳририяти томонидан нашр этилган "Ёшлар китоби"нинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, таниқли адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ҳамда матбуот ходимлари иштирок этди. Тўпламда юзга яқин навқирон истеъдод соҳибларининг ижод намуналари берилган.

Маросимни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очиб, хусусан, шундай деди:

– Бундан қирқ-эллик йил аввалги ёшларга бўлган муносабат билан истиқлол йилларида ижод қилаётган авлодга бўлган эътиборни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Шу маънода, биз ҳам сизларнинг мана шундай ҳавас қиларли алманахингизни кўриб, бениҳоя хурсанд бўлдик. Сизларнинг истеъдодингизни қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга ҳамиша тайёрмиз.

## КОМПОЗИТОРНИНГ УЙ-МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Бастакорлар уюшмаси ҳамда Сулаймон Юдаков номидаги жамғарма ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор С.Юдаковнинг уй-музейи ташкил этилди. Унда устоз санъаткорлар, хонандалар, талабалар ҳамда таниқли журналистлар иштирок этди.

Маросимда операмиз маликаси Муяссар Раззоқова ва ширали овоз соҳиби Шукур Ғофуров ижросида марҳум композиторнинг "Майсаранинг иши" операсидан машҳур ария, дуэтларнинг ижро этилиши дилларга чексиз қувонч бағишлади.

Уй-музейининг очилишини нафақат маданиятимиз ривожига, балки С.Юдаковдек беқиёс ижодкор меросининг абадиятга муҳрланиб қолишида қутлуғ қадамлардан бири, дейиш мумкин.

**Ўз мухбирларимиз.**

**ЭЪЛОН**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати партия веб-сайти www.adolat.uz ни редизайн қилиш бўйича тендер эълон қилади.

***Мурожаат учун телефонлар:***
***245-70-27, 245-81-74.***

Ёшлик ҳангомалари

## ШЕВАСИ ПАНД БЕРДИ

Талабаликда шева сўзлардан воз кечиб, адабий тилда гапиришга уринсак-да, кўпинча "қовун тушириб" қўярдик.

Шоҳиджон деган андижонлик йигит имтиҳон пайти самарқандлик Нигорахондан ноёб бир китобни икки кунга сўраб олганди. Нигора дарсга келмагач, Шоҳиднинг ўзи уни қидириб, учинчи кун топибди:

– Нигорахон, сизни эрталабдан бери истаб юрибман. Дарсда кўринмадингиз, ётоқхонада ҳам йўқсиз, – дебди.

Кутилмаган "изҳор"дан жаҳли чиққан Нигора ўйлаб ҳам ўтирмай Шоҳиднинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборибди. Шеваси панд бериб, "изладим" дейиш ўрнига анжанчасига "истадим" деб юборган Шоҳид эса, хатосини тушуниб, дарров тузатибди:

– Кечирасиз... изладим, қидирдим. Мана китобингиз, катта раҳмат!

Шу воқеадан кейин Шоҳид университетни битиргунимизча бировни "истамайдиган" бўлди.

## ҚАЙСИ УМАР АКА?!

Ўзининг шеърий машқлари билан факультетимизда анча танилиб қолган шоиртабиат бир курсдошимизни домлалар ҳам ҳурмат қилишарди.

Дўстимизнинг бир ёмон одати бор эди: эрталаб туролмас, кўп ухларди. Биринчи тугул, иккинчи дарсга ҳам кечикиб келарди. Лекин ҳар гал "шоир"нинг ишонтирадиган баҳонаси бўларди. Ҳар қалай ижодкор-да!

Бир куни адабиёт ўқитувчимизнинг кайфияти йўқроқ эканми, "Нега кеч келяпсан?" деб қолди:

– Ҳалиги, Фалончи аканинг олдига ўтган эдим, – деди у машҳур халқ шоирларидан бирининг номини тилга олиб.

– Йўғ-э, ростданми? – ўзини ҳайратланганга солди домла, кейин сўради:

– Дарсдан кейин қаерга борасан?

Шоир баҳонаси иш берганидан қувониб, ёлғонга тўн кийдира бошлади:

– Уюшмага, Писмадончи аканинг олдига бораман. Шеърларимни китоб қилмоқчимиз, – деб яна бир таниқли шоирнинг номини сотди. Шунда устоз тўрт қатор шеър ўқиди-да:

– Бу тўртликни ким ёзганини биласанми? – деди.

"Шоир" ўйланган кишидек бироз хаёл суриб турди-ю, лекин тополмади:

– Билмадим, домла.

– Билмасанг, билиб ол, буни Умар ака ёзган, – деди ўқитувчимиз.

– Қайси Умар ака?

– Умар Хайём-да, – деди домла хотиржам.

Бироздан кейин аудиторияда кулгу кўтарилди.

| | |
|---|---|
| Тошкент вилояти Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», футбол жонкуяри Ахбор Имомхўжаевга турмуш ўртоғи **Фарида ИМОМХЎЖАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Сиёсий Кенгаш аъзоси Қодир Жўраевга акаси **Фозил ЖЎРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. |

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАФОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

**Телефонлар:** қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовлатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи муҳаррир – Рустам АҲМАДАЛИЕВ
Навбатчи – Бахтиёр ЁҚУБОВ
Саҳифаловчи – Собиржон ТУНҒАТОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 01. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 3829. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.00